2.(58).2013

# MOZIYDAN SADO

## ECHO OF HISTORY
## ЭХО ИСТОРИИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал / Научно-практический, духовно-просветительский журнал / Scientifically practical moral educative magazine

**Бақтрия – яловбардор ўлка**
**Бактрия – страна с поднятыми знаменами**
**Bactria is a country with raised banners**



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

*И.А.Каримов*

На какой бы уголок Узбекистана мы ни обратили свой взгляд, обязательно увидим признаки первых ростков зарождения человечества в глубине тысячелетий. На каждом шагу, сталкиваясь с образцами древней культуры и искусства, убеждаемся в том, какая великая цивилизация существовала в наших краях.

*И.А.Каримов*

No matter at what corner of Uzbekistan we turn our view, we surely find signs of the first beginnings of the humanity origin in the depth of the millennia. At each step facing with the samples of ancient art and culture, we are convinced, what a great civilization existed in our part of the world.

*I.A.Karimov*

























www.ziyouz.com kutubxonasi

*ТАЪСИСЧИЛАР:* ***Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий Академияси, Матбуот ва ахборот агентлиги***

*УЧРЕДИТЕЛИ:* ***Министерство по делам культуры и спорта, Академия художеств, Агентство по печати и информации Республики Узбекистан***

*FOUNDERS:* ***Ministry of cultural and sports affairs, Academy of arts, Agency of press and information of the Republic of Uzbekistan***

2.(58).2013

# MOZIYDAN SADO

ECHO OF HISTORY

ЭХО ИСТОРИИ

*1990 йилдан чоп этила бошлади. Уч ойда бир марта узбек-инглиз-рус тилларида чикади*

## Ушбу сонда/Содержание/Contents

*З.Ҳакимов* **Бактрия – яловбардор ўлка**
*З.Хакимов* Бактрия – страна с поднятыми знаменами
*Z.Khakimov* Bactria is a country with raised banners — 2

*Ш.Пидаев* **Термиз**
*Ш.Пидаев* Термез
*Sh.Pidaev* Termez — 11

*Ш.Камолиддин* **Термиз воҳаси шаҳарлари**
*Ш.Камалиддин* Города области Термеза
*Sh.Kamaliddin* Cities of the Termez area — 14

*И.Ботиров* **Археология музейи**
*И.Ботиров* Археологический музей
*I.Botirov* Archeological Museum — 18

*Г.Пугаченкова* **Далварзинтепа ва Хадда ҳайкаллари**
*Г.Пугаченкова* Скульптура Дальверзинтепа и Хадды
*G.Pugachenkova* Sculpture of Dalverzintepa and Khadda — 20

*З.Ҳакимов* **Тоҳаристон меъморчилиги**
*З.Хакимов* Зодчество Тохаристана
*Z.Khakimov* Architecture of Tokharistan — 23

*Т.Пардаев* **Ҳунармандчилик анъаналари**
*Т.Пардаев* Традиции ремесленничества
*T.Pardaev* Tradition of Craft — 29

*З.Носирова* **Каштачилик марказлари**
*З.Насирова* Центры вышивки
*Z.Nasirova* Embroidery centers — 33

*Б.Нодир* **Анъанавий хотин-қизлар либоси**
*Б.Нодир* Традиционный женский костюм
*B.Nodir* Traditional women's wear — 37

*Э.Қобулов, М.Файзуллаев* **Гилам жилолари**
*Э.Кабулов, М.Файзуллаев* Ковровая палитра
*E.Kobulov, M.Fayzullaev* Carpet paints — 40

*Ф.Холмонова, О.Худойназаров, Г.Аҳмедова* **Никоҳ тўйлари**
*Ф.Халманова, О.Худайназаров, Г.Ахмедова* Обряды бракосочетания
*F.Kholmonova, O.Hudoynazarov, G.Ahmedova* Weddings — 42

*А.Бўронов* **Фарзанд таваллудини нишонлаш удумлари**
*А.Буронов* Традиции связанные с рождением ребенка
*A.Buronov* Traditions associated with the childbirth — 46

БОШ МУҲАРРИР:
Зафар Ҳакимов

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Дилором Алимова
Шодмон Воҳидов
Отабек Мусаев
Шокир Пидаев
Анатолий Сагдуллаев
Темир Ширинов
Акбар Ҳакимов
Саидбек Ҳасанов

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Мариника Бобоназарова
Маҳмуд Бобоев
Исмоил Ботиров
Жаннат Исмоилова
Равшан Мансуров
Наби Хушвақов
Нозим Ҳабибуллаев

ИНГЛИЗ ТИЛИ МУҲАРРИРИ:
Раъно Холматова

ДИЗАЙНЕР:
Алишер Назармуҳамедов

| | |
|---|---|
| ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: Зафар Хакимов | EDITOR IN CHIEF: Zafar Khakimov |
| РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ: Д.Алимова, Б.Ахмедов, Ш.Вахидов, Ш.Пидаев, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, А.Хакимов, С.Хасанов | EDITORIAL BOARD: D.Alimova, B.Ahmedov, Sh.Vokhidov, Sh.Pidayev, A.Sagdullayev, T.Shirinov, A.Khakimov, S.Hasanov |
| ОБЩЕСТВЕННЫЙ СОВЕТ: М.Бабаназарова, М.Бабаёров, И.Батиров, Ж.Исмаилова, Р.Мансуров, Н.Хушваков, И.Юсупов | COMMUNITY COUNCIL: M.Bobonazarova, M.Boboyorov, I.Botirov, D.Ismoilova, R.Mansurov, N.Hushvakov, I.Yusupov |
| Редактор английского языка: Р.Халматова | Editor of the english language: R. Kholmatova |
| ДИЗАЙНЕР: А.Назармухамедов | DESIGNER: A.Nazarmukhamedov |

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100 129. Тошкент ш.,
Навоий кўчаси, 30.
Тел.: 244-34-65, 244-74-19
Факс: 244-74-19

E-mail: moziydansado@mail.ru

Индекс: 1047-шахсий обуначилар,
1048-ташкилотлар учун.

"Toshkent tezkor bosmaxonasi"
MCHJда чоп этилди.
Буюртма № 1.
Адади 500.

ISSN 2010-5258

«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи
КК 9372
Инв: № 1269

Журналга тавсия этилаётган мақолаларда фойдаланилган адабиётлар рўйхати илова қилиниши шарт. Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт. Мақолалар тақриз қилинмайди, қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.

В представляемых статьях указание списка использованный литературы обязательно. При перепечатке ссылка на журнал обязательна. Рукописи не рецензируются и не возвращаются, письменные этветы не высылаются.

Specify the list of references in submitted articles is mandatory. For reprint reference to the magazine is required. Manuscript copies are neither reviewed nor returned back, the written response is not sent.

www.ziyouz.com kutubxonasi



# БАҚТРИЯ – ЯЛОВБАРДОР ЎЛКА

*Зафар ҲАКИМОВ*

**“Менким, Ахуромазда, мамлакатлар ичида энг яхши мамлакат, яшаш жойлари ичида энг яхши яшаш жойи бўлмиш гўзал ва яловбардор Бахдийни яратдим”.**
**“Авесто” (Видеват, биринчи фаргард)**



Бактрия [Бактриана; Βακτρία, Βακτριανή] – Амударё юқори оқими бўйлаб жойлашган қадимги тарихий-маданий ўлка. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ва марказий вилоятлари, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий минтақаларини қамраб олган. Бу ном Амударёнинг ирмоғи – Бактр (ҳозирги Балхоб) дарёси номидан олинган. Қадимда Бактрия Суғдиёна (шимол), Арахозия (жануби-ғарб), Ориёна (ғарб) давлатлари ва Ҳиндикуш тоғлари (жануби-шарқ) билан чегарадош. Вилоят пойтахти Бактр (ҳозирги Балх) шаҳри бўлиб, Афғонистоннинг Балх вилоятида, Мозори Шарифдан 30 *км* масофада жойлашган. Тарихан Бактрия ирригациянинг қудратли тизими билан суғорилувчи тоғолди ҳосилдор воҳани эгаллаган бўлиб, мазкур шароит туфайли у қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик) давлати сифатида шуҳрат топган. Шунингдек, унинг ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Европа ва Осиёга олиб борувчи энг муҳим савдо шохобчалари ўтган.

*Бақтриянинг бир қисми шимол томонга қараб Ориё чегаралари ёқалаб чўзилиб кетган, кўпроқ қисми эса Ориёнинг юқори томонида шарқ йўналишида ястанган. Бақтрия бепоёндир ва зайтун ёғидан бошқа ҳар турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Мамлакат ерларининг ҳосилдорлиги туфайли Бақтрияни кўзголонга ундаган юнонлар шу қадар куч-қудрат соҳибига айландиларки, фақат Ориёнгина эмас, балки артемиталик Аполлодорнинг сўзига қараганда, Ҳиндистонга ҳам ҳукмронлик қилдилар. Улар Искандардан ҳам кўра кўпроқ қабилаларни ўзларига бўйсундирдилар; айниқса, Менандрга (агар рост бўлса, у шарқда Гипанисдан ошиб ўтиб, Имайгача етиб борган); баъзи қабилаларни ўзи босиб олган, бошқаларини эса Евтимеднинг ўғли, бақтрийлар шоҳи Деметрий забт этди”. Страбон (тахм.мил.авв. 64/63 йй. – тахм.мил. 23/24 йй.)*

Бактрия тарихи ва маданиятига илмий жиҳатдан қизиқиш XVIII аср ўрталарида, дастлабки рисола тадқиқотлари пайдо бўлгандаёқ юзага келганди (Т.З.Байер, В.В.Тарн, А.К.Нарайан ва бошқалар), уларда биринчи марта меъморчилик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, танга зарб қилинишига оид юнон ва шарқ усулларининг синтези муаммолари ҳақида айтиб ўтилганди.



Бактрия моддий ва бадиий маданиятини ўрганиш тарихидаги янги босқич XIX аср охиридан бошланди, бунга Британия музейига Тожикистоннинг Қобадиён кишлоғида 1889 йили хуфиёна сотиб олинган 180 дона қадимий тилла буюмлар сабаб бўлган. Кейинроқ Аҳамонийлар (мил.авв. VI-IV асрлар) даври билан саналанган ноёб топилдиқ фанда машҳур Амударё хазинаси сифатида маълум. Авесто матнлари ва қадимги юнон муаллифлари (Геродот, Страбон, Ктесий, Помпей Трог, Плиний, Плутарх, Арриан ва ҳоказолар) илмий нашрларининг европа ва рус тилларига таржималари Марказий Осиё, жумладан, Бактриянинг тарихини англаш соҳасидаги янги илмий концепциялар ва лойиҳалар келтириб чиқаради. Мазкур асарларнинг мазмуни эллин ойкуменлари – туб халқи яшайдиган жойдан ташқаридаги мамлакатлар ва халқлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат эди.

Бактрия ёдгорликларини археология нуқтаи назаридан ўрганишнинг дастлабки тажрибаси 1917 йилда француз олими А.Фуше томонидан Бактриянинг қадимий пойтахти Бактр (Балх)нинг (ҳозирги Мозори Шарифдан 30 *км* масофада) харобаларида амалга оширилди. Офтобда жизғинаги чиққан шаҳарни биринчи кўриш ва тажриба қазилмалари ўтказишдаёқ Геродотнинг ўзи Бактрияни қиёс қилган янги Бобилни кашф этиш умиди пучга чиқиб, ҳафсаласи пир бўлган А.Фуше жаҳл устида шундай сўзларни айтиб юборган: “Антик муаллифларнинг афсонавий, олтинга, фируза ва ложувардларга бой деб атаган Бактрия – саробдан бошқа нарса эмас”. Таниқли





www.ziyouz.com kutubxonasi

археологнинг аламли сўзлари худди афсун каби "яловбардор мамлакатнинг" сирларини яна бир неча ўнлаб йилларга пинҳон тутди. Аммо тасодифан Айритом (Жанубий Ўзбекистон) масканида фриз ҳайкалчалари бўлакларининг топилиши минтақа қадимги обидаларининг кўп йиллик тадқиқотларига асос солди. Айритом зиёратгоҳларининг дастлабки тадқиқотларини 1932-1933 йилларда М.Е.Массон ўтказди, 1962-1966 йилларда эса Б.Турғунов муфассал ўрганиб чиқди. Айритом фризи топилганидан кейин Ўрта Осиё археологиясининг ташаббускори фаннинг турли соҳалари – археология, палеонтология, этнография, гидрогеология, археология тарихчилари таркибида Термиз археологик ялпи экспедициясини (ТАКЭ, 1936-1939 йиллар) ташкил этди. Экспедиция томонидан бир қатор оламшумул кашфиётлар қилинди – Тешиктош ғоридаги палеолитик манзилгоҳда неандертал боланинг суяги қолдиқлари топилиши (О.П.Окладников, М.Герасимов), Зараутсой деворий нақшлари, Қоратепа, Чингизтепада буддавийлик эҳромлари (М.Е.Массон, Я.Ғуломов, Б.Б.Пиотровский), Термизнинг ўрта аср меъморчилиги (Б.Н.Засипкин, В.В.Згура, Г.А.Пугаченкова) шулар жумласидан.

Бақтрияни кенг миқёсда тадқиқ қилиш 1945 йилдан кейин бошланди. Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон ФА Археология институтининг бир нечта экспедициялари (А.Асқаров, Л.И.Альбаум, Ш.Пидаев), Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (Г.А.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, Б.Турғунов, А.Саъдуллаев, З.Ҳакимов), Шарқ халқлари Давлат санъат музейи экспедицияси (Б.Я.Ставиский) иш олиб борди. Сўнгги йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудида Германия, Испания, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг тадқиқотчилари фаол иш олиб бормоқдалар. Тожикистон ҳудудида – Жанубий Тожикистон археологик экспедицияси (Б.А.Литвинский, И.Р.Пичикян) иш олиб бормоқда. Афғонистон ҳудудида DAFA (Délégation archéologique françai seend Afghanistan) археологик тадқиқотлари (А.Фуше, Ж.Акен, Д.Шлюмберже, П.Бернар) ва шўро-афғон археологик экспедицияси (И.Т.Кругликова, В.И.Сариаиди, Г.А.Пугаченкова, З.А.Ҳакимов) муҳим роль ўйнади.

Режа билан олиб борилган археологик тадқиқотларда шу нарса аниқландики, мил.авв. II мингйиллик бошига келиб, Бақтрияда унда-мунда деҳқончилик минтақалари юзага кела бошлаган – бу Шеробод дарё ва Бандихонсой (жанубий Ўзбекистон)нинг ўрта оқимига ва Балхоб (шимолий Афғонистон)нинг қайир ҳудудига тўғри келади. Ҳар бир деҳқончилик минтақасида майда ва тарқоқ қишлоқлар билан бирга, майдони бир неча гектар келадиган шаҳарсимон манзилгоҳлар вужудга келади. Улар бир хил режада қурилган бўлиб, атрофи иҳота деворлари билан ўралган, ичкариси эса кенг кўча, тураржой маҳаллаларига, ҳунармандчилик-хўжалик ва ибодатхоналарга бўлинган (Сополлитепа, Жарқўтон, Дашли-3, Олтин-10). Асосий қурилиш ашёси лой бўлиб, деворлари пахса билан кўтарилган. Қурилиш амалиётида тўртбурчак хом ғиштдан ҳам кенг фойдаланганлар, бу хийла мураккаб иншоотлар (арклар, гумбазлар) тиклаш учун катта истиқболлар очади.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда Бандихон II, Қизилтепа, Кучуктепа, Талашконтепа, Олтин Дилёртепа каби шаҳар типидаги манзилгоҳлар вужудга келади. Бепоён деҳқончилик вилояти маркази ҳисобланган йирик шаҳар-манзилгоҳлар катта-катта майдонларни эгаллаган (15 *га* гача), мустаҳкам истеҳком тизимига эга бўлган. Миноралар билан ҳимоя қилинган қудратли мудофаа деворлари баланд тепаликлар устида қад ростлаган. Девор ва миноралар-да шинаклар бўлган. Қалъада ҳукмдор саройи жойлашган, шаҳар ҳудуди шоҳроҳлар билан тураржой ва ҳунармандчилик маҳаллаларига бўлинган, бозор майдони ва ибодатхоналар ҳам шу ерда жойлашган. Шаҳар атрофида бир-биридан узоқ жойлашган қўрғонлар қурилган бўлиб, уларнинг аҳолиси хавф туғилган пайтларда шаҳар ичида жон сақлаганлар.

*"Бақтриянинг табиати бой ва хилма-хилдир. Айрим жойларда мевали дарахтлар ва узумзорлардан сершарбат мўл-кўл ҳосил олинади, минглаб чашмалар бўлиқ ерларни суғоради. Тупроғи юмшоқ жойларга буғдой экилади, қолган ерлар яйловга қолдирилади... Тупроғи ҳосилдор ерларда одамлар кўп бўлади. Ушбу вилоят пойтахти Бақтрия Паропамиз (Ҳиндикуш) тоғи этакларида жойлашган. Пойтахт деворлари ёнидан Бақтр дарёси оқиб ўтади. Шаҳар ва вилоятнинг номи шундан келиб чиққан". Квинт Курций Руф (мил. I аср).*

**Тасодифан Айритом (Жанубий Ўзбекистон) масканида фриз ҳайкалчалари бўлакларининг топилиши минтақа қадимги обидаларининг кўп йиллик тадқиқотларига асос солди.**

Доро I нинг Бисутундаги битикларига кўра, мил.авв. VI аср бошида Бақтрия Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Сузадаги шоҳлар қароргоҳидаги қазилмалардан топилган лой лавҳаларда қайд этилишича, Доро саройи қурилишида Бақтрия тилла етказиб берган.



Ёзувнинг кашф қилиниши, ҳашаматли ва тураржой уйлари бўлган уч қисмли шаҳар қурилиши, ҳунармандчилик саноати (кулолчилик, темирчилик, қурилиш)нинг ривожланиши тарихчи Помпей Трогнинг қадимий Бақтр подшоҳлиги бўлган деган тахминини тасдиқлайди: "Форс шоҳи Дорони улар Скифия ерларидан шармандаларча ҳайдаб солдилар, Кирни қўшин-пўшини билан қириб ташладилар. Буюк Искандар саркардаси Запирионни худди шу тахлит бутун лашкари билан қириб ташлашди, римликларнинг қуроллари ҳақида узунқулоқ гаплар орқали эшитишган эди, аммо қўл билан ушлаб кўришмаганди. Парфия ва Бақтрия салтанатларини уларнинг ўзлари барпо этишди".



Шундай қилиб, Бақтриянинг антик ва қадимги тарихини ўз ичига олган катта давр ўз ниҳоясига етган, бу давр ичида бой хўжалик-иқтисодий, шаҳарсозлик, меъморий, маданий ва бошқарув салоҳияти тўпланган эди, шу туфайли ҳам бу вилоят Қадимги Шарқнинг бошқа тамаддунлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi



Искандар Зулқарнайн юришлари тарихчилари "Окс орти ерлари"нинг (Амударё) кучли истеҳкомли шаҳарларининг катталиги бениҳоя бўлганидан гувоҳлик берадилар. "Тарихчилар отаси" деб ном олган қадимги юнон ёзувчиси Геродот (мил.авв. V аср), аҳамонийлар шоҳи Кирнинг фатҳ юришлари ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг Ойкумен давлатига бориш йўлида "Бобил, бақтр халқи, саклар ва мисрликлар бор эди", деб таъкидлаган эди. Юнон муаллифи Аполлодор Бақтрияни "бутун бошли ОРИЁНАнинг безаги" деб таърифлаганди. Бақтрия ҳақида энг кўп мил.авв. 414-398 йилларда Форсда аҳамоний шоҳ Артаксеркс саройида яшаган Кичик Осиёлик грек Ктесий Книдский ёзиб қолдирган: *"Бақтрия вилояти кўплаб шаҳарга эга эди, аммо улардан биттаси ҳаммасидан катта бўлиб, пойтахт ўша шаҳарда жойлашганди. У Бақтр деб аталарди ҳамда қалъасининг катталиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турарди. У ерда ҳукмдорлик қилган Оксиарт қурол кўтаришга қурби етган барчани қўшин сафига қўшди".*

Бақтрия, аввал Искандар империясига, у таназзул топгач, вужудга келган Юнон-Бақтрия салтанати ва Кушон давлатига қўшилганидан кейин пухта режали янги шаҳарлар бунёд этилди (Термиз, Далварзинтепа, Зартепа, Жондавлаттепа, Кампиртепа, Бақтрлар, Дилбаржин, Жағаттепа, Тупроққалъа). Бақтрия ҳудудида ўтказилган ялпи археологик-топографик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир деҳқончилик воҳасида алоҳида йирик ва яхши истеҳкомланган шаҳар бўлган. У, тахминларга кўра, мазкур вилоятнинг бош маъмурий-ҳарбий, савдо-ҳунармандчилик ва маданий маркази вазифасини бажарган, бироқ марказий давлат ҳокимиятига тобе бўлган. Бу вилоятлар учун ғалати қонуният қайд этилган: агар қадимги манзилгоҳлар (мил.авв. IV асргача) тоғолди жойларда тикланган бўлса, антик давр шаҳарлари серсув дарёлар ва улардан ажралиб чиққан анҳорларнинг текислик водийсида барпо этилган, бу сунъий суғоришнинг кенг миқёсда қўлланилганидан далолат беради. Шу билан бирга Антик давр шаҳарлари аниқ режали тузилмага эга бўлган (қалъа, шаҳар, работ), мустаҳкам истеҳком билан ҳимояланган (мустаҳкам деворлар, миноралар, ўқ отиш галереялари, шинаклар, кенг хандақ). Антик шаҳарлар тикланишида сув таъминоти (ерости қувурлари, сардобалар), озиқ-овқат захиралари (омборлар) ва шаҳар мудофааси (тўпхона) сингари шаҳарча ҳаёти учун зарурий жиҳатларга катта аҳамият берилган. Археологик тадқиқотлар натижалари бўйича аниқланишича, Ўрта Осиё Мовароуннаҳр вилоятларининг шаҳар истеҳкомлари ва режавий тузилмаси энг қадимги даврлардан антикликкача бир-бирига ўхшаш тамойиллар бўйича шаклланган ва эволюцион ривожланиб келган. Истеҳкомда бир қанча алоҳида хусусиятлар борлигига қарамай, ягона типология юзага келган:

– шаҳар ҳудудидаги катта баландликда, унинг деворларидан бири ёнида ёки шаҳар ўртасида қад кўтарган қалъа;
– кенг (10 м гача) ва баланд (5-6 м гача) пойдевор, пахса ёки хом ғишт (гувалак)дан қуруқликда тикланган, теграсидан сувли хандақдан бироз ичкари (4 м гача) томонга қия тортган ёки тўсиқ девор;
– мудофаа деворлари эндор ёки яхлит, ёки деворичи йўлаклари ва жанговар шинаклари билан қад кўтарган;
– мудофаа миноралари тўртбурчак ёки суйри шаклда, казематлари ҳамда бир-икки қават қилиб жойлаштирилган шинаклари билан;
– дарвозаолди қурилмалар – лабиринтсимон йўлаклар ва осма кўприкдан иборат.

Шаҳар истеҳкоми тиклашнинг бундай тамойили ва услуби мил.авв. I асрда Витрувийнинг меъморчилик бўйича ёзилган рисоласида келтирилади. Жумладан, истеҳком иншоотларини душман шаҳар деворига яқин келиб қолиши мумкин бўлган шароитда қурилса: "бундай жойларда, биринчидан, иложи борича кенг ва чуқур хандақ (зовур) қазиш, кейин хандақ тубидан пойдевор кўтариш ва уни кўтарма яхши тутиб турадиган даражада энли қилиш керак", деган тавсия беради. Девор ва миноралар пойдеворини тиклаётганда Витрувий "хандақни агар иложи бўлса сув чиқадиган жойгача етишини, бўлмаса қурилаётган иморат катталигига мос келувчи чуқурликда ва эни бўлажак ерусти деворларидан кенгроқ қилиб қазилиши кераклигини, кейин эса уни тош билан тўлдириб чиқиш" зарурлигини таъкидлайди. Шаҳарсозлик усулларида ҳам жиддий ўхшашликлар кўзга ташланади, чунончи: режа кўпроқ тўғри тўртбурчакли, ички уйлар қатор саф тортган, зодагонлар, оддий фуқаролар, ҳунармандлар маҳаллаларига, эҳромларга олиб борадиган катта-кичик шоҳ кўчалар. Қадамжолар, мақбаралар ёки дахмалар, одатда, шаҳардан ташқарида, деҳқончилик минтақаларида қад ростлаган.

**Кушон даврида буддавийликнинг йирик маркази Термиз шаҳри бўлган, унинг атрофида ёдгорлик қадамжо иншоотлар (Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала) тикланган, хусусан, Айритом эҳроми алоҳида маҳобатга эга, у ноёб қизил оҳактош ҳайкалчалари билан дид ила безатилган.**

Кушон даврида буддавийликнинг йирик маркази Термиз шаҳри бўлган, унинг атрофида ёдгорлик қадамжо иншоотлар (Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала) тикланган, хусусан, Айритом эҳроми алоҳида маҳобатга эга, у ноёб қизил оҳактош ҳайкалчалари билан дид ила безатилган. Муқаддас меъморий иншоотлар билан бир қаторда бу даврда жуда катта миқдорда данғиллама фуқаро иморатлари қурилган. Булар дастлабки Кушон ҳукмдорларининг Холчаёндаги саройи ва Далварзинтепадаги бой амалдорларнинг ҳовли-жойларидир. Дарвоқе, ҳовлиларнинг бирида 1972 йилда ҳозирча Ўрта Осиёда ягона йирик тилла тақинчоқлар ва олтин қуймалари хазинаси топилган. Тўпланган фактологик хужжатлар мил.авв. I мингйиллик ўрталаридаёқ маҳаллий қурувчилар маҳобатли иморатлар ва тураржой меъморчилиги биноларини қурганлар деб айтишга имкон беради. Улар олдиндан ўйлаб чиқилган режалар асосида ҳандасавий мутаносибликнинг энг оддий услубларидан фойдаланганлар. Биноларга квадрат ёки тўғри тўртбурчак шакл асос қилиб олинган ва улар изчил равишда катталаштирилиб борилган. Асосий ўлчамларни ҳисобга олмаганда, ҳақиқий ижрода алоҳида таркибли бинолар қурилишида қатор хатоларга йўл қўйилган. Антиклик даврида конструкциялар қурилишида ва меъморий ҳажмлар уйғунлигига эришишда материаллар анча-мунча такомиллашган, бу қурилиш сифатининг бирмунча яхшиланишига олиб келган. Антик Бақтрия меъморчилигида типологик кесим юзага келган: зал кулуар айланасида жойлашган; зал хоналар айланасида жойлашган; кўндаланг-ўқ режаси; хочсимон режа. Мажмуалар ва бинолар етакчи турларга айланади, уларнинг композициявий кесими асосида айвон-ҳовли тизими ётади. Айвон-ҳовли тизими асрлар оша Ўрта ва Яқин Шарқ ўрта аср диний меъморчилигининг юзага келишига сезиларли таъсир кўрсатган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# Бактрия – страна с поднятыми знаменами

*Зафар ХАКИМОВ*

**«Наилучшую из стран и мест обитания я, Ахурамазда,сотворил Бахди прекрасную, высоко держащую знамя»**
**Авеста (Видеват, первый фаргард)**

Бактрия [Бактриана; Βακτρία, Βακτριανή] – древняя историко-культурная область, по верхнему течению реки Амударьи. Располагалась в северных и центральных областях современного Афганистана, южных регионах Узбекистана и Таджикистана. Получила свое название от реки Бактр (совр. Балхаб) – приток Амударьи. В древности Бактрия граничила с государствами: Согдианой (север), Арахозией (юго-запад), Арианой (запад) и горами Гиндукуш (юго-восток). Столицей области был город Бактр (совр. Балх), находящийся сегодня в афганской провинции Балх, что в 30 км от Мазари-Шарифа. Исторически Бактрия располагалась на плодородном предгорном плато, которое орошалось мощной системой ирригации, что и определило её судьбу, как сельскохозяйственной державы. На её территории сходились важнейшие торговые трассы Великого шелкового пути, из Китая в Европу и Азию.

*«Части Бактрии простираются вдоль границы Арии по направлению к северу, большая же часть лежит над Арией к востоку от этой последней. Бактрия обширна и производит всевозможные продукты, кроме оливкового масла. Вследствие плодородия страны греки, которые склонили Бактрию к восстанию, приобрели такое могущество, что стали владыками не только Арианы, но, по словам Аполлодора из Артемиты, также и Индии; они подчинили себе больше племен, чем Александр; в особенности Менандр (если правда, что он перешел Гипанис на востоке и прошел вплоть до Имая); некоторые племена он покорил сам, другие же — Деметрий сын Евтидема, царь бактрийцев». СТРАБОН(ок. 64/63 до н. э. — ок. 23/24 н. э.)*

Научный интерес к истории и культуре Бактрии возник еще в середине XVIII в., когда появляются первые монографические исследования (Т.З.Байер, В.В.Тарн, А.К.Нарайан и др.), в которых впервые затронута проблема синтеза греческого и восточного стилей в архитектуре, скульптуре, прикладном искусстве, монетах.

Новый этап в истории изучения материальной и художественной культуры Бактрии начинается в конце XIX в. в связи с поступлением в Британский



музей 180 древних золотых изделий, нелегально приобретенных в 1889 г. в таджикском селении Кобадиан. Уникальная коллекция, позже датированная временем Ахеменидской империи (VI-IV в.в. до н.э.), известна в науке как знаменитый Амударьинский клад. Переводы на европейские и русский языки текстов Авесты и трудов древнегреческих авторов (Геродот, Страбон, Ктесий, Помпей Трог, Плиний, Плутарх, Арриан и др.), о странах и народах за пределами эллинистической Ойкумены, порождают новые научные концепции и проекты в области познания истории Центральной Азии, в частности Бактрии.



Первый опыт археологического изучения памятников Бактрии осуществлялся в 1917 г. французским ученым А.Фуше на руинах её древней столицы Бактр-Балха. При первом же осмотре выжженных солнцем городищ и пробных раскопок надежды на открытие нового Вавилона, с которым сравнивал Бактрию сам Геродот, рухнули. А.Фуше, переполненный горечью разочарования, в сердцах бросил фразу: «Легендарная, богатая золотом, бирюзой и лазуритом Бактрия античных авторов – всего лишь мираж и ничего более». Горестный вердикт известного археолога словно заклинание еще несколько десятилетий оберегало тайны «страны с поднятыми знаменами». Но случайная находка фрагментов скульптурного фриза в урочище Айртам (южный Узбекистан) положили начало многолетним исследованиям памятников древности региона. Первые исследования святилища Айртама в 1932-1933гг. провел М.Е.Массон, а детальное археологическое изучение в 1962-







www.ziyouz.com kutubxonasi



1966 гг. осуществил Б.Тургунов. Вслед за находкой Айртамского фриза зачинатель среднеазиатской археологии М.Е.Массон организует Термезскую археологическую комплексную экспедицию (ТАКЭ, 1936-1939 гг.) в составе специалистов разных областей науки – археологи, палеонтологи, этнографы, гидрогеологи, историки архитектуры. Экспедицией сделан ряд мировых открытии – палеолитическая стоянка в гроте Тешикташ с костными останками мальчика-неандертальца (О.П.Окладников, М.Герасимов), наскальные росписи Зараутсая, буддийские святилища-монастыри Каратепа, Чингизтепа (М.Е.Массон, Я.Гулямов, Б.Б.Пиотровский), средневековая архитектура Термеза (Б.Н.Засыпкин, В.В.Згура, Г.А.Пугаченкова).

Широкомасштабные исследования Бактрии начались после 1945 г. На территории Узбекистана работали несколько экспедиций Института археологии АН Узбекистана (А.Аскаров, Л.И.Альбаум, Ш.Пидаев), Узбекская искусствоведческая экспедиция (Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, Б.Тургунов, А.Сагдуллаев, З.Хакимов), экспедиция Государственного музея искусств народов Востока (Б.Я.Ставиский). В последние годы на территории южного Узбекистана активно работают исследователи Германии, Италии, Франции, Японии и других стран. На территории Таджикистана – Южнотаджикская археологическая экспедиция (Б.А.Литвинский, И.Р.Пичикян). На территории Афганистана важнейшую роль сыграли археологические исследования DAFA (Délégation archéologique françaiseend Afghanistan) (А.Фуше, Ж.Акен, Д.Шлюмберже, П.Бернар) и советско-афганской археологической экспедиции (И.Т.Кругликова, В.И.Сариаиди, Г.А.Пугаченкова, З.А.Хакимов).



Планомерные археологические исследования выявили, что к началу 2-го тысячелетия до н.э. в Бактрии, начинают слагаться локальные земледельческие районы: в среднем течении Шерабаддарьи и Бандыхансая (южный Узбекистан) и в пойменной зоне Балх-оба (северный Афганистан). В каждом из земледельческих районов наряду с разрозненными мелкими селениями формируются крупные, в несколько гектаров, поселения городского типа, построенные по единому плану, окруженные оборонительными стенами, а внутри разделённые широкими улицами на жилые кварталы, ремесленно - хозяйственные и культовые комплексы (Сапаллитепа, Джаркутан, Дашлы-3, Алтын-10). Основным строительным материалом является глина, из которой сооружают монолитные пахсовые платформы, стены. В строительной практике начинают широко использовать и прямоугольный сырцовый кирпич, что открывает большие перспективы для создания более сложных конструкций(арки, своды).



В VII-VI вв. до н.э. возникают поселения городского типа Бандыхан II, Кызылтепа, Кучуктепа, Талашкантепа, Алтын Дильертепа. Крупные города-поселения, являвшиеся центрами обширной земледельческой округи, занимали большие площади (до 15 га), имели развитую фортификационную систему. Мощные оборонительные стены, фланкированные башнями, возводились на высоких глинобитных платформах. Стены и башни прорезали бойницы. В цитадели находился дворец правителя, городская территория магистральными улицами делилась на жилые и ремесленные кварталы, здесь же располагались торговые площади и культовые здания. Вокруг города простирался пригород с разбросанными усадьбами, жители которых в случае опасности укрывались за городскими стенами.

*"Природа Бактрии богата и разнообразна. В некоторых местах деревья и виноградники дают в изобилии сочные плоды, тучную почву орошают многочисленные источники. Где почва мягкая, там сеется хлеб, а остальные земли оставляются под пастбища...Где земля более плодородна, там очень много людей. Столица этой области — Бактры, расположена у подножия Паропамиза (Гиндукуш). У её стен течет река Бактр. Она дала имя городу и области". Квинт Курций Руф (I в. н.э.)*

Согласно Бехистунской надписи Дария I, в начале VI в. до н.э. Бактрия находились в составе Ахеменидской державы. На глиняных таблицах, найденных при раскопках резиденции её царей в Сузах, документально зафиксировано, что для строительства дворца Дария Бактрия поставляла золото.

Изобретение письменности, сложение трехчастных городов с монументальной и гражданской архитектурой, профессионализация ремесленного производства (гончарство, металлургия, строительство)' подтверждают историка Помпея Трога о существовании древнебактрийского царства: «Персидского царя Дария они с позором выгнали из Скифии, Кира перерезали со всем войском; Запириона, полководца Александра Великого, точно так же уничтожили со всей армией, оружие римлян узнали только по слухам, но не почувствовали. Сами они основали парфянское и бактрийское царства». Таким образом завершается огромный отрезок архаичной и древней истории Бактрии, в процессе которого был накоплен богатейший хозяйственно-экономический, градостроительный, архитектурный, культурный и управленческий потенциал, с которым область активно взаимодействовала с другими цивилизациями Древнего Востока.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Историки походов Александра Македонского свидетельствуют об огромных размерах сильно укрепленных городов «земель за Оксом» (Амударьей). Древнегреческий писатель Геродот (V в. до н.э.), названный «отцом истории», описывая завоевания ахеменидского царя Кира, говорил, что на его пути к господству в Ойкумене «лежали Вавилон, бактрийский народ, саки и египтяне». Греческий автор Аполлодор называл Бактрию «украшением всей АРИАНЫ». Больше всех рассказал о Бактрии малоазийский грек Ктесий Книдский, живший с 414 по 398 г. до н.э. в Персии при дворе ахеменидского царя Артаксеркса II: ***"Область Бактрианы, обладая большим числом значительных городов, имела один, наиболее выдающийся, в котором была и столица. Он назывался Бактрами и выделялся среди всех других городов своей величиной и мощностью цитадели. Царствовавший там Оксиарт произвёл набор всех тех, кто был в состоянии носить оружие".***

Вхождение Бактрии сначала в империю Александра, а с её распадом в образовавшиеся Греко-Бактрийское царство и Кушанское государство, сопровождается активным возведением новых городов с упорядоченной планировкой (Термез, Дальверзинтепа, Зартепа, Джандавляттепа, Кампыртепа, Бактры, Дильберджин, Джагатепа,Топрак-кала). Вместе с тем города периода античности обладают четкой планировочной структурой(цитадель, город, пригород), ограждены развитой фортификацией (мощные стены,башни,стрелковые галереи,бойницы,-широкий ров). В фортификации при наличии некоторых локальных особенностей слагается единая типология:

-цитадель на высокой платформе, возвышающаяся над городской территорией у одной из стен или посередине города.

- широкий(до10*м*) и высокий (до 5-6*м*) стилобат-фундамент,врытый в материк и сложенный из глинобитных блоков и сырцового кирпича, со скошенным в сторону обводного рва уступом (до 4м) или барьерной стеной;

- оборонительные стены значительные по толщине либо монолитны, либо с внутристенными коридорами и стрелковыми бойницами;

- пристенные башни, прямоугольной или овальной конфигурации, с казематами,с одно-двухъярусными рядами бойниц;

-привратные устройства с лабиринтообразным проходом и перекидным мостом. Подобный принцип и метод возведения фортификации города приводится в трактате Витрувия по архитектуре,написанном в I в. до н.э. В частности, при возведении крепостных сооружений в условиях, когда противник может подойти к подножию стен, он рекомендует «в подобного рода местах надо,во – первых,делать как можно более широкие и глубокие рвы,а затем закладывать фундамент стены вала в дно рва и возводить его такой толщины,чтобы хорошо поддерживать насыпь». А при закладке фундамента стен и башен Витрувий отмечает необходимость «копать ров до материка, если можно до него дойти, да и в самом материке, на глубину, соответствующую размерам возводимой постройки, и шириною больше будущих надземных стен, и заполнять самой основательной каменной кладкой». Принципиальное сходство отмечается и в градостроительных приёмах:преимущественно прямоугольный план, регулярность внутренней застройки, расчлененной магистральными и отводными улицами на кварталы знати,рядовых граждан,ремесленников и храмовые комплексы. Культовые комплексы,могильники или погребальные сооружения, как правило, возводятся за пределами городских стен в зоне земледельческой округи.



В эпоху Кушанской империи крупным центром буддизма становится город Термез, вокруг которого возводятся монументальные культовые комплексы (Каратепа, Фаязтепа, Зурмала), в особом ряду находится Айртамский храм,оформленный уникальным скульптурным фризом из мергелистого известняка. Наряду с культовой архитектурой в этот период в большом количестве строятся здания монументальной гражданской архитектуры. Это дворец первых кушанских правителей в Халчаяне и дома богатых вельмож на Дальверзинтепа. Кстати, в одном из последних в 1972 г. был найден, единственный пока в Средней Азии, крупный клад золотых ювелирных украшений и слитков. Объекты жилой архитектуры, начиная с эпохи поздней бронзы и до конца периода античности, раскопаны на многих памятниках Бактрии-Тохаристана. Накопленный фактологический материал позволяет утверждать, что уже в середине I тысячелетия до н.э. местные строители возводят здания монументальной и жилой архитектуры на основе предварительно продуманных планов с использованием простейших методов геометрической пропорции, построенной на основе квадрата или прямоугольника и их последовательно увеличивающихся производных. Хотя в реальном исполнении, за исключением основных размеров, допускается ряд искажений в строительстве отдельных составных здания. В эпоху античности математические расчеты при построении конструкций и достижении гармонии архитектурных объёмов намного совершенствуется,что приводит к значительному улучшению качества строительства,но в основе композиционного построения по-прежнему остается квадрат. В архитектуре всех историко-культурных областей региона сложились в целом единые типологические схемы планировки: зал в обводе кулуара; зал в обводе помещений; поперечно-осевая планировка; крестовидная планировка. Ведущими типами становятся комплексы и здания, в основе композиционной схемы которых лежит айванно-дворовая система. Последняя уже через столетия оказала заметное влияние на сложение средневекового культового зодчества Среднего и Ближнего Востока.







www.ziyouz.com kutubxonasi



# Bactria is
## a country with raised banners

**Zafar Khakimov**

**"The best of the countries and habitats I, Ahura Mazda, created Bahdi – fine and holding the banner high"**
**Avesta (Videvat, the first fargard)**

Bactria [Bactriana; Βακτρία, Βακτριανή - Greek authors] is the ancient historical and cultural area, in the upper stream of the Amu Darya River. It was located in the northern and central areas of modern Afghanistan, southern regions of Uzbekistan and Tajikistan. It was named after the river Bactr (modern Balhab) - a tributary of the Amu Darya River. In ancient times Bactria bordered with Sogdiana (in the North), Arachosia (in the South-West), Ariana (west) and the mountains of the Hindu Kush (south-east). The capital was the city of Bactr (modern Balkh), located today in Balkh province of Afghanistan, which is 30 km away from Mazar-i-Sharif. Historically Bactria located on the fertile piedmont plateau, which was washed by the great rivers and irrigated by powerful system of irrigation, which determined its destiny as an agricultural power. The most important trade routes of the Great Silk Road also converged on its territory, which were used by caravans with goods from China through passes of the Pamirs to Europe and Asia.



*"Parts of Bactria stretch along the border of Aria towards the north, but the greater part lays above the Aria to the east of it. Bactria is extensive and produces various products other than olive oil. Because of fertility of the country Greeks, who bowed Bactria to revolt, gained such power that they became masters of not only Ariana, but, according to Apollodorus of Artemis India too, and also they subdued tribes more than the Alexander, especially Menander (if it is true, that he moved Gipanis on the east and passed down to Imaya), some tribes he conquered himself, others – Demetrius, son of Evtidem, Bactrian king". Strabo (approx. 64/63 BC. - 23/24 BC.).*

Scientific interest in the history and culture of Bactr a came back in the middle of the XVIII century, with the first monographic studies (T.Z.Bayer, V.V.Tarn, A.K.Narayan, etc.), which for the first time touched the debatable problem - the ratio of Greek and Oriental influence in each of the arts: architecture, sculpture, applied art and coins.

A new stage in the history of the study of material and artistic culture of Bactria started at the end of XIX century



in connection with acceptance by the British Museum of 180 ancient gold objects illegally acquired in 1889 in Kobadian village (southern Tajikistan). The unique collection, dated the time of the Achaemenids Empire (VI-IV centuries BC), is known in science as the famous Amu Darya treasure. Translations into European and Russian languages of Avesta texts and the works of ancient Greek authors (Herodotus, Strabo, Ctesias, Pompey Trog, Pliny, Plutarch, Arrian and others) which contain information about the countries and peoples beyond the Hellenistic ecumene, generate new scientific concepts and projects in the knowledge of the Central Asian history, particularly Bactria.

The first experience of the archaeological study of monuments of Bactria refers to the beginning of XX century. In 1917, during King Amanullah Khan a French archaeological mission led by reputable Orientalist A.Fushe arrived to Afghanistan. The purpose of the scientific expedition was carrying out large-scale excavations in ruins of the ancient capital of legendary Bactria – Bactr-Balkh (30 km from the present-day. Mazar-i-Sharif). At the first examination of sun-scorched settlements all hopes to discover a new Babylon, which Herodotus compared Bactria, collapsed. A.Fushe, filled with bitterness of disappointment in a fit of temper dropped a phrase: "Legendary, rich in gold, turquoise and lapis lazuli Bactria of ancient authors has turned into a mirage and nothing more." Woeful verdict of the renowned archaeologist like a spell did not expose for a few decades the secrets of the country with the raised banners. But the



accidental discovery of fragments of sculptural frieze in Ayrtam (southern Uzbekistan) began long-term researches of ancient monuments in the region. First studies of Ayrtam sanctuary were made by M.E.Masson in 1932 1933 and detailed archaeological researches were made by B.Turgunov in 1962-1966. Following the discovery of the Ayrtam frieze the founder of the Central Asian archeology M.E.Masson organized Termez Archaeological Complex Expedition (TACE, 1936-1939) which was composed of specialists in different fields of science - archaeologists, paleontologists, anthropologists, hydrogeologists and architectural historians. During the first season in the southern Uzbekistan they made world discoveries. In a Paleolithic site in Teshiktash cave they discovered skeletal remains of a Neanderthal boy (O.P.Okladnikov, M.Gerasimov), Zarautsay rock paintings, Buddhist shrine-monasteries of Karatepe and Chingiztepe (M.E.Masson, Ya.Gulyamov, BBPiotrovsky ), medieval architecture of Termez (B.N.Zasypkin, V.V.Zgura, G.A.Pugachenkova).

Large-scale studies of Bactria began after 1945. Several expeditions worked on the territory of Uzbekistan, such as expedition of the Institute of Archaeology of the Academy of Sciences of Uzbekistan (A.Askarov, L.I.Albaum, Sh.Pidaev), Uzbek Art History Expedition (G.A Pugachenkova E. V.Rtveladze, B.Turgunov, A.Sagdullaev, Z. Khakimov) and the expedition of the State Museum of Oriental Art (B.Ya.Stavisky). In recent years, researchers from Germany, Italy, France, Japan and other countries actively worked in southern Uzbekistan. In Tajikistan there was the Southern Tajikistan archaeological expedition (B.A.Litvinsky, I.R.Pichikyan). In Afghanistan the main role was played by archaeological researches of DAFA (Délégation archéologique française end Afghanistan) (A.Fushe, Zh.Aken, D.Shlyumberzhe, P.Bernar) and Soviet-Afghan archaeological expedition (I.T.Kruglikova, VI Sariaidi, G.A.Pugachenkova, Z.A.Khakimov).

Systematic archaeological investigations revealed that at the beginning of the II millennium BC local agricultural areas started to be formed in Bactria: especially in the middle stream of Sherabaddarya and Bandykhansay (southern Uzbekistan) as well as in the floodplain of Balkh-ob (northern Afghanistan). In each of the agricultural areas along with scattered small villages large, in a few hectares, urban settlements were formed; they were built under a single plan, surrounded by defensive walls, and separated inside by broad streets of residential neighborhoods, handicraft - economic and religious complexes (Sapallitepa, Djarkutan, Dashly-3, Altyn-10). The main building material was clay which was used for erection of monolithic pakhsa (adobe) platforms and walls. Rectangular adobe bricks became widely used in construction practice that holds great promise for creating more complicated structures (arches, vaults).

In the VII-VI centuries BC due to development of iron production and creation of extensive irrigation system which enable efficient use of the resources of both local and major water sources, amount of irrigated lands drastically increased. Such urban settlements as Bandyhan II, Kızıltepe, Kuchuktepe, Talashkantepe and Altyn Dilertepe concern to that period. In contrast to the settlements of late Bronze Age, proto-towns of early Iron Age had more complicated panto-planning structure. If in the first ones the basic functions of social and productive activities of individual tribal communities were concentrated in a single organized space, then in others they were distributed on independent parts of the ancient city separated by protective moats. Big city-settlements, being centers of vast agricultural districts, occupied a large area (15 hectares) and had advanced fortification system. Strong defensive walls, flanked by towers, were built on high adobe platforms. The walls and towers were cut through by loopholes. The citadel included a palace of the ruler; urban area was divided into residential and crafts neighborhoods by main streets, which included shopping areas and places of worship. The city was surrounded by extended suburbs with scattered homesteads, whose inhabitants took refuge in case of danger behind the city walls.

**Accidental discovery of fragments of sculptural frieze in Ayrtam (southern Uzbekistan) began long-term researches of ancient monuments in the region.**

*The nature of Bactria is rich and diverse. In some places trees and vineyards bear abundance of juicy fruits; the rich soil is irrigated by numerous springs. On soft soil they sow wheat, and the rest are left for grazing land ... If the land is more fertile, there are many inhabitants. The capital of this region is Bactry, located at the foot of Paropamiz (Hindu Kush). Near its walls there is a river - Bactr. It gave the name to the city and the region". Quintus Curtius Rufus (the first century AD).*





According to ancient Bekhistun inscriptions of Darius I at the beginning of the VI century BC Bactria was a part of the Achaemenid Empire. Clay plates found in the excavations of residence of its kings in Susa, have documented notes that Bactria supplied the gold for construction of the palace of Darius.

Combination of tripartite cities with monumental and civil architecture, professionalization of handicrafts (pottery, metallurgy, and construction) indicates origin and formation of a centralized state on the territory of Bactria. For example, a historian of the beginning of the new era Pompey Trog, describing peoples of the Central Asia, testifies that: "They ignominiously expelled the Persian king Darius from Scythia, Kir was cut with the whole army; Zapirion - a commander of Alexander the Great was also killed with the whole army, weapons of Romans were learned only by hearsay, but were not felt. They themselves established the Parthian and Bactrian kingdoms". Important illustration of the mentioned evidence of the ancient historian is appearance of their own written language there, which is the main attribute of statehood of any people. Exactly together with invention of written language the international trade, as well as cultural and spiritual ties started to be arranged.





www.ziyouz.com kutubxonasi

2.(58).2013

**During Kushan Empire Termez became a major center of Buddhism. It was surrounded by monumental religious complexes (Karatepa Fayaztepa, Zurmala), in particular Ayratam temple which was decorated by unique sculptured frieze made of marly limestone.**

Historians of Alexander the Great testified the enormous size of heavily fortified towns in the "land over the Oxus" (Amu Darya River). The ancient Greek writer Herodotus (V c. BCE), called the "father of history", describing the conquest of the Achaemenid king Cyrus, said that on his way to the domination of the known world "lay Babylon Bactrian people, Saks and the Egyptians." Greek author Apollodor called Bactria "decoration throughout the Arians." The most talked about Bactria Asia Minor Greek Ctesias of Cnidus, who lived from 398 till 414 BC in the court of the Achaemenid Persian king Artaxerxes II: *"Field of Bactria, having a large number of major cities have one, the most prominent, which was the capital. He called Bactria and stood out among all the other cities of its size and power of the citadel. Reigned there Oxiart made a collection of all those who were able to bear arms".*

Affiliation of Bactria first into the Alexander's empire, and after its collapse into created Greco-Bactrian and Kushan states, accompanied by active construction of new cities with orderly plan (Termez, Dalverzintepe, Zartepa, Dzhandavlyattepe, Kampyrtepe, Bactry, Dilberjin, Dzhagtepe, Toprakkala). Complex archaeological and topographical survey carried out on the territory of Bactria indicates that each local agricultural oasis had very large and well-fortified city. In all likelihood, it served as a main administrative - military, trade and crafts, as well as cultural center of the neighborhood, but was a vassal of the central government. It was marked an interesting pattern for these areas: if ancient settlements (before IV century BC) were built in foothill areas, cities of antique times were erected in plain valleys of large rivers and their channels, which indicates widespread use of artificial irrigation. However, the cities of the period of antiquity had clear plan structure (citadel, city, and suburb) and were fenced by developed fortification system (thick walls, towers, shooting gallery, battlements, and broad moats). During construction of ancient cities great attention was given to such elements of inner-support systems as water-supply (underground water lines, water reservoirs), food supply (storage) and defense of the city (arsenal). According to the results of archaeological researches it was determined that fortification and planning structure of a city in the regions of the Central Asia since ancient times and up to a certain antiquity were formed and evolutionary evolved in a similar principles. In fortification along with presence of some local features a single typology was composed:





- A citadel was on a high platform that rises above the urban area in one of the walls or in the middle of the city.
- Wide (up to 10m.) and high (up to 5-6m) stylobate foundation that was dug into mainland and built of adobe blocks and adobe bricks with splayed ledge (up to 4m) or barrier wall;
- Defensive walls of considerable thickness were both monolithic or with-the-wall corridors and rifle loopholes;
- Near-wall towers had rectangular or oval configuration, with casemates and one or two rows of loopholes;
- Door-keeping devices with labyrinthine passage and drawbridge.

